



Вилоят бўйлаб



ҚУЙИ ЧИРЧИҚ тумани Беруний маҳалласида яшовчи Нурсултон Дусенбетов хонадонида "Пекника" навли корейс тузламаси етиштириб, ўтган йилги даромадини 40 миллион сўмдан оширган эди. Жорий йилда эса бу рақамларни у икки баробарга оширишни ният қилган.

Тадбиркор шу кунларда ўз ишларидан ортиб, иссиқхона билан шуғулланиш истагини билдирган бошқа хонадонларга бозорбоп маҳсулотларни экишни йўлга қўйишда қўмаклашмоқда.

АНГРЕН шаҳар ҳокими

Алишер Райимов бошчилигидаги масъуллар хитойлик инвесторлар томонидан йўлга қўйилган кафел ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхонада бўлдилар. Юзма-юз ўтган мулоқотда корхонада амалга оширилаётган монтаж ва қурилуш ишлари бўлиб жараёни билан танишилди.

Мазкур корхонада 300 тага яқин янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

БЎКА туманида

бахорги чигит экиш ишлари қизгин киришилди. "Дўстлик" худудидаги "АПК Бўка" МЧЖ дала майдонида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси масъуллари, фермерлар, пахта-тўқимачилик ва галпачилик кластерлари раҳбарлари ҳамда нуронийлар иштирокида кўргазмали амалий семинар бўлиб ўтди.

Жорий йилда туманда жами 11 минг 900 гектар майдонга чигит экилиб, саноат учун қимматбаҳо хомашё етиштириш мақсад қилинган.



ЯНГИЙЎЛ тумани

"Қоратепа" маҳалласида истиқомат қилувчи Рўзи Пардаев хонадонидаги 7 сотих майдонда оилавий гидропоника усулида қулпнай етиштиришни йўлга қўйди. Қулпнай ва унинг кўчатлари нафақат Ўзбекистон бозорларида, балки қўшни Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда сотилмоқда.



Биздан авлодларга яшил келажак қолсин!

Бугуннинг гапи

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган "Яшил макон" умуммиллий ҳаракатига доир ишлар вилоятимизда ҳам тобора кенг қўлоқ ёзмақда.

Жумладан, лойиҳа доирасидаги илк кунда Ёшлар маркази биносининг атрофидаги майдонда фаол ёшлар, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари ҳамда волонтер ёшлар иштирокида 2 минг тупдан ортиқ дарахт кўчатлари экилди.

Шундан сўнг, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев "Яшил макон" лойиҳасининг ишлаш механизмини кўздан кечириб, жараёни янада такомиллаштириш, экин майдони устидан назоратни кучайтириш юзасидан қўшимча топшириқлар берди.

Шунингдек, акция доирасида кўчат экиш ва уни парвариш, боғ ташкил қилишдаги муҳим жиҳатлар, агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб бориш юзасидан ҳам маълумотлар берилди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати



КЎКЛАМОЙИМ, "КЎК"ИНГДАН БЕР...

Ўлкамизда баҳор нафаси кезиб юрибди. Табиат аллақачон уйғongan. Қимирлаган жон борки, кўклам юмушлари билан банд. Бежизга "Кўкларнинг бир куни йилни боқади", деб айтилмаган. Ғанимат кунларнинг қадрини билган асл деҳқонларимиз ҳамда омилкор томорқа эгалари ўз ихтиёридаги ерларда аллақачон экиб улгурган турли маҳсулотларини парвариш қилишмоқда.

Томорқа – хазина



4

Мурожаат

Янги Ўзбекистон – Яшил маконда Бирга яшайлик!

Маҳаллаларимизни обод қилиш, сақлаш, дарахт экиш ва уни парваришлашни мажбурийат эмас, қадрият деб қабул қилайлик!

Ҳар биримиз келажак авлод олдидаги бурчимизни чуқур ҳис қилган ҳолда, "Яшил макон" лойиҳасини умумхалқ миллий ҳаракатига айлантирайлик!

Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!

2



"Варрагинг баланд учсин, Укажон!"

Шукуҳ

Шанба – дам олиш куни. Саёҳатга отландик. Шошкентнинг "чангли" ҳавосидан нафас олиб юрган шаҳарликлар учун тоза тоғ ҳавосининг қадри шунақа билинаркан! Машина шаҳардан чиқар экан, гўзал боғу роглар кўрина бошлади. Табиатга маҳлиё бўлиб боряпмиз. Йўл-йўлакай кўй-қўзи боқиб, от чопаетган болаларни кўриб, ўзимизнинг болалигимиз ёдга тушади. Болалигимиз кўкларнинг ўзгача завқу шавқу бўларди. Баҳор келиши билан қишлоқда байрамлар бошланарди. Биз ҳам кўй-қўзини ўтлатиб, турли ўйинлар ўйнаб орзулар қилардик. Осмонда учаётган қушларга ҳавас билан боқардик, агарда самолёт учиб ўтса, унинг ортидан югуриб, кўл силкиб қолардик. Бир-биримизга келажакда ким бўлишимиз ҳақида гапирардик. Биримиз ҳарбий, бошқамиз шифокор, қайсимиздир тадбиркор... мен эса... ёзишга қизиқардим. Кўп китоб ўқирдим. Раҳматли онамнинг эртақларини эшитишни яхши кўрардим. Онам баҳор келиши билан далага шошар, баъзан мен ҳам ортларидан эрашардим. Ушанда онама кўп саволлар берардим. Онам эса бошимни силаб жавоб берардилар. Онамнинг орзулари: "Қанийди ўғлим..." билан бошланарди. Уйлаб қарасам, ўша беғубор ниятлар рўёби бугун секин-аста амалга ошяпти. Аввал кўй боқиб орзу қилган бўлсак, бугун кўлга қалам ушлаб бахт излаб юрибмиз... Ишонаманки, бир куни орзуларимиз, албатта, амалга ошади...

4

Интилиш

Маҳаллада кўзиқорин кооперацияси

Ўрта Чирчиқ туманининг "Дўстлик" маҳалласида 50 та хонадон "Бир худуд – бир маҳсулот" тамойили асосида кўзиқорин етиштириш билан шуғулланиб келади. Маҳаллада ишсиз фуқаронинг ўзи йўқ. Масалан, Баҳодир Ҳасанов хонадонида 6 сотих иссиқхона қурилган ва унда кўзиқориннинг бозорбоп нави етиштирилади.

Қолган ерга кўчат экиб, даромад топади. Оиласининг 5 аъзоси, 3-4 нафар қўшни аёллар доимий иш билан банд. Уй эгаси тайёр маҳсулотни бозорга ёки маҳалла-

даги корхонага топширади.

"Маневр агрокластери" раҳбари асосан далада полиз маҳсулотларини етиштиради. Шу билан бирга, томорқасида кўзиқоринчиликни йўл-

га қўйган. Оила аъзолари, қўни-қўшнилар – жами 10 нафар фуқаро иш билан банд. Шелуха, оҳак, кепак солинган қопчаларга кўзиқорин уруғидан экилиб, қамиш билан ўралган иссиқхонада парвариш қилинади. Маҳсулот 40 кунда тайёр бўлади. Кўзиқоринлар соғлом ва бозорбоп бўлиши учун 20-23 даража иссиқлик ва намлик таъминланиши шарт.

– Маҳалламизда кўзиқоринчилик йўлга қўйилганига 20 йилдан ошди, – дейди "Маневр агрокластери" раҳ-

бари Рустам Миванчинов. – Мен кўзиқоринчилик билан 9 йилдан буён шуғулланиб келаман. Маҳсулот кимёвий қўшимчаларсиз, табиий усулда Хитой технологияси асосида етиштирилади. Бу Нидерландия технологиясидан ер майдонини иқтисод қилиниш билан фарқланади. Кўзиқорин парвариш қилиш жуда осон. Кунига бир марта сўғориб, тайёр бўлганда йиғиштириб олинади. Меҳнати энгил, даромади юқори.

Эътиборлиси, тадбиркор томони-

дан ташкил этилган цехда маҳалла томорқачиларининг маҳсулотлари ҳам қадоқланиб, бозорга чиқарилади. Маҳалла аҳолисидан кооперация асосида йиғиштириб олинган кўзиқоринлар сифатини йўқотмасдан тўғридан-тўғри харидорга етказилади. Маҳсулотни қадоқланган ҳолда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кўзиқорин иммунитетни мустаҳкамлайди, қон томиларини тозалайди, холестеринни камайтиради, ёрдам беради, асаб тизимини яхшилайдди, тери, соч ва тирноқларни соғломлаштиради.

ЎЗА



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

Тошкент вилояти маҳалла фаоллари, депутатлар, нурунийлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари Тошкент вилоят аҳлига МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Қадри вилоятимиз аҳли!

Тошкент вилояти – азалдан она табиятимизнинг бебаҳо гавҳари бўлиб келган. Бу муаззам заминда бир пайтнинг ўзиде турт фаслнинг жамолини кўриш мумкин.

Яратган мана шу фусункор ва серкўш юртимизга нимаики ато қилган бўлса, қандай бойликлар, қандай неъматлар билан сийлаган бўлса, уларнинг ҳамма-хаммаси Тошкент вилоятида мужассамдир.

Айнан шунинг учун ҳам бу заминга хос танти ва меҳнатқаш, юксак маърифатли одамларнинг эзгу ташаббус ва интилишлари, бой ҳаётий тажриба ва юксак тафаккури азалдан бутун мамлакатимизнинг барча нуқталари узра таралиб, кўпчилига ўрнак ва намуна бўлиб келади.

Инсониятнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларидан бўлган “Худуд ал-олам” номли тарихий китобда “Чоч – катта воҳа, ери саҳийдир, суви мўлдири”, деган сўзлар битилгани ҳам шундан далолатдир.

Чиндан ҳам, бу заминнинг унумдор тупроғи, кўт-баракка ёғилган дала ва боғлари, Бўстонлик, Ангрён, Оҳангарон тоғларининг оқ қорли чўққиларидан бошланадиган серсув сой ва дарёлари, турнакўз булоқлари, Чорбоғ, Оҳангарон, Тўябўғиздек йирик сув омборлари вилоятимизни йил бўйи яшилликка буркаб, барчамизга бетакрор табият ва мусоффо оби-ҳаёт неъматларини инъом этиб келади.

Бугун Паркент, Бўстонлик, Қибрай, Янгийул, Зангиота, Пискент каби ҳудудларимизнинг жаннатмакон боғу тоқзорларида етиштирилган узуму гилослар, ноку олмалар, анжиру шафтолилар ўзига хос брендга айланиб, нафақат юртимиз, балки хориж бозорларини ҳам тўлдираётгани барчамизга фахру ифтихор бағишлайди.

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган ана шу боғдорчилик анъаналарини асраб-авайлаб, келажак наслларга бунданга бой ва ранг-баранг ҳолида етказиш барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Қадри дўстлар!

Вилоятимизга келувчи сайёҳлар оқимининг мунтазам кўпайиб бораётгани, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳажми ортаётгани, йирик sanoat корхоналари бунёд этилаётгани, ҳудудларимиздан кесиб ўтадиган халқаро аҳамиятдаги автомагистралларда автомобиллар қатнов суръати кескин ошаётгани ана табиятимизни захарли газ ва моддалардан ҳар қачонгидан кўпроқ муҳофазга қилишимиз лозимлигини тақозо этмоқда.

Минг афсуски, бугун сувдан, тупроқдан нотўғри фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли технологияларни қўллаш оқибатида сайёрамизда иқлим ўзгариб, биохилма-хиллик йўқолиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ минбаридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган учта инқироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлослигини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 11 октябрда ва жорий йил 29 март кунини ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим тақдирлар билдириб, олдимизда турган устувор вазифаларни белгилаб берганларидан барчамиз яхши хабардоримиз.

Жумладан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар ўтказилган “Қўзғи дарахт экиш мавсуми”да 17,2 млн. дон дарахт кўчати экилди.

Жорий йил баҳор мавсумида режалаштирилган 10,1 млн. дон кўчатдан бугунги кунда 6 млн. донаси яъни 60 фоизи экилди.

Бугун барчангизни, бутун эл-юртимизни “Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!” деган эзгу гоани кўллаб-қувватлашга чақирамиз!

Зотан, доно халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган пурмаъно гап бор.

Оилада фарзанд дунёга келганида унга атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғлар яратиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштиришдек эзгу ва олижаноб одатларимиз борлиги барчамизга маълум.

Биз ана шу азалий анъаналаримизга содиқ қолиб, ҳар бир хонадон томонидан 20 туп кўчат экиш ва ўстириш ташаббусини илгари сурмоқчимиз.

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кунларида ниҳол экишни анъанага айлантирсак, ниҳоятда савобли тадбирни бошлаган бўламиз.

Қадри маҳалла фаоллари, бошқарув сервис компаниялари раҳбарлари!

Айни вақтда, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда кўп қаватли уйлар атрофида бўш турган, дарахт экилмаган жойлар кўплаб топилади.

Бунинг учун ҳар бир маҳаллада “маҳалла боғлари”ни яратишда шахсий намуна кўрсатиб, ишни дастлаб ўз хонадонимиз ва

Ушбу иссиқхоналарда 450 нафар фуқаро ўз-ўзини банд қилиб меҳнат қилмоқда, йилга 3 мартаба ҳосил олмақда. Мазкур маҳалладан ички бозорга йилга 350 тонна ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Натижада маҳалла хонадонлари 14-15 млрд. сўм даромад манбаига эга бўлмоқда. (Ҳар битта хонадон ўрта ҳисобда 10 млн.дан 100 млн. сўмгача даромад қилмоқда).

Натижада, бу ҳудуд ишсизликдан ҳоли маҳаллага айланмоқда.

Вилоятимиздаги мавжуд 1 минг 25 та маҳаллада 5665 нафар масъуллар, яъни, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, аёллар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ва соғлиқ ҳодимлари фаолият юритмоқда. Мазкур масъуллар:

ҳар бир хонадонга “уста-деҳқон” (“агроном”) бириктириши ҳамда томорқада

ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажиги, молиявий аҳоли ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни ҳис этиб, боқимандаликка йўл қўймаслик бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш;

маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида “маҳалла етилиги” вакиллари вакиллари сўй-ҳаракат

ларидаги 14 гектар, профессионал таълим муассасаларидаги 18 гектар майдонга қўшимча дарахт кўчатларини экиш мумкин.

2023 йилда куз мавсумида олий ва профессионал таълим тизими ходимлари ташаббуси билан 20 гектар ер майдонига 55 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар экилган.

Мисол учун: Чирчиқ давлат педагогика университети, Тошкент давлат аграр университети жамоаси ўз ҳудудидаги 8 гектар майдонга 14 минг 35 та мевали ва манзарали кўчатлар экиб, боғ яратди.

Аммо, Бўка педагогика техникуми, Олмалиқ шаҳар касб-хунар мактаби директорлари ўз жамоасини бирлаштири олганлиги натижасида бор-йўғи 2 минг 658 туп кўчат экилган. Экилган кўчатларнинг 50-60 фоизи қуриб қолган.

2024 йилнинг баҳорги мавсумида олий таълим муассасаларида 27 минг туп, профессионал таълим муассасаларида 36 минг тупдан ортиқ кўчат экилиши режалаштирилган.

Мавсум давомида ҳар бир олий таълим ва профессионал таълим муассасалари раҳбарлари ўз жамоалари билан 63 минг туп, бундан ташқари 53 минг нафар талаба ва 28 минг нафар ўқувчилари жалб қилган ҳолда 81 минг тупдан ортиқ кўчат экиш ишларини ташкил этиши лозим.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги жами 268 та муассасада жами 39 минг 803 нафар ходим фаолият юритмоқда.

Тиббиёт муассасаларидаги бўш турган 26,7 гектар майдонга қўшимча дарахт кўчатларини экиш имкони мавжуд.

2023 йилда куз мавсумида соғлиқни сақлаш тизими ходимлари ташаббуси билан “Яшил макон” умумийлиги ҳаракати доирасида 24,3 гектар майдонга 152 минг 380 та кўчат ўтказилган.

Мисол учун: Олмалиқ шаҳар, Паркент тумани тиббиёт бирлашмалари томонидан 2,5 гектар майдонга 3 минг 200 тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар экилган.

Аммо, Бекобод ва Қибрай туманлари тиббиёт бирлашмаларида куз мавсумида бор йўғи экилган 15 минг 232 та кўчатнинг 12-15 фоизи қуриб қолган.

2024 йил баҳор мавсумида тиббиёт муассасаларидаги 26,7 гектар ер майдонига 162 минг дон дарахт кўчатлари ва қаламчалар экиш режаси белгиланган. Вилоятда 6 минг 788 та фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан 8 млн.га яқин тўт, тоқ, топ, ёнғоқ ҳамда бошқа ниҳоллар парваришланмоқда.

Бу ишларни давом эттириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузари ва кўчасига 10 тупдан кўчат экса, вилоят бўйича ўртача 6-7 миллион дон дарахт бунёд бўлади.

Фермерларимиз ўз ҳудудида тўт, тоқ, терак ва бошқа кўчатларни экса, ҳар бир қарич еримиз яшилликка бурканади.

Вилоятдаги 6 минг 300 нафар фермер хўжаликларида мавжуд 35 минг км. масофадаги дала четларига 5 млн. дон, ирригация тармоқлари четларидаги 9 минг км. масофага 1,5 млн. дон мевали ва манзарали кўчатлар экишда бепарво бўлмайлик!

Қайд этиш керакки, ўтган йили куз ва жорий йилнинг баҳор ойларида фермер ва деҳқонларимиз тасарруфидаги дала четларига ва аҳоли томорқаларига 7 млн. тупдан зиёд кўчат экилди.

Масалан: Чиноз туманидаги “Абдураззоқ фойз барака” фермер хўжалиги 11 минг дон, “Аҳмадбек нури Хикмат” фермер хўжалиги 30 минг дон, Оққўрғондаги “Бек” фермер хўжалиги 12 минг дон терак кўчатларини даласининг четига



кўчамизни обод қилишдан бошласак, барчага ибрат бўлади.

Муҳтарам нурунийлар!

Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилақларингиз халқимиз учун ҳамиша катта таянч ва суянч бўлиб келмоқда.

Вилоятимиздаги 300 мингдан ортиқ нурунийларнинг маҳаллаларда “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасини амалга оширишда, аҳоли томонидан кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда ташаббус, шахсий намуна, тавсия ва кўрсатмалари барчамиз учун муҳимдир.

Нурунийларимиз 1 тупдан кўчат экса, 300 мингдан зиёд дарахт бўлади. Ёки ҳар бири ўз ёнига 10 нафар ёшни жалб қилса, бу рақам 10 баробарга ошади.

Ҳурматли “Маҳалла етилиги” вакиллари!

Хабарингиз бор, жорий йил 14 март кунини муҳтарам Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи доирасида “Сайхунобод тажрибасини” илгари суриб, томорқадан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали аҳолининг даромадини ошириш бўйича вазифаларни белгилаб бердилар.

Мазкур топшириқ ижросини тўғри ва самарали ташкил этиб, ишлашга иштиёқи бор, даромади кам, бироқ кўллаб-қувватланса, эплаб кета оладиган эҳтиёжманд хонадонни танлаб, уни ердан фойдаланишга ўргатайлик.

Мисол учун, Бўка тумани 4-сектордаги “Чўлобод” маҳалласида (раис Холмуродов Мирзохид) 623 та хонадондан 176 тасида (28 фоиз) иссиқхоналар ташкил қилинган.

2-3 марта юқори даромадли экинлар экилишини таъминлаш;

хонадон томорқасига, уларни хоҳшидан келиб чиққан ҳолда, кредит ҳисобига майдони 2-3 соттигача бўлган “Иссиқхона” ташкил қилиши;

субсидия ҳисобига асбоб-ускуна (мотокультиватор, тикув машинаси, қандолатчилик печи, пайвандлаш ускунаси) олиб бериш ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олиши;

банклар билан ҳамкорликда ижтимоий Ҳимояга муҳтож хонадонларга 100 та парранда, 5 бош чорва (қўй), 10 қути асалари уяси беришни ташкил этишлари лозим.

Мақсад ҳар бир оиланинг аҳоли жон бошига даромади 1 млн. сўмдан кам бўлмаслиги таъминлашдир.

Мисол тариқасида, Бекобод шаҳар “Фарҳод” МФЙ (ҳоким ёрдамчиси О.Хатамов) тадбиркорликка 7 та имтиёзли кредитлар ажратиб, 9 та янги иш ўрни очди, 21 та ишсизни доимий ишга жойлади, 76 та фуқаро ўзини ўзи банд қилди.

“Яшил макон” дастурида 320 та мевали, 410 та манзарали ва 225 туп гул экилди. Рамазон ойида кам таъминланган 24 та хонадонга эксонлар тарқатиб, 7 та оилада ифторлик тадбирларини ўтказди.

Нима учун бошқа жойда ташаббус йўқ? Ҳурматли “маҳалла етилиги” ходимлари!

Мавжуд 1 минг 25 маҳалладаги жойлашган хонадонларда терак қаламчаларидан кўчатлар етиштиришни ташкил этишда ташаббус кўрсатинг;

ларини бирлаштириб, маҳаллангизни ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантиринг!

Ҳурматли мактабгача ва мактаб таълими тизими ходимлари!

Вилоятда 554 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари, 888 та мактаб, 23 та “Баркамол авлод” мактаблари фаолият юритмоқда.

Тизимда жами 68 минг нафар ходим бўлиб, 521 минг нафар ўқувчи таълим олади.

Мактабгача таълим ташкилотларида 37 гектар, мактабларда 80,4 гектар майдонда қўшимча дарахт кўчатларини экиш имкони мавжуд.

2023 йилда куз мавсумида мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда 92 гектар майдонга 174 минг туп кўчат ўтказилган.

Мисол учун: Оҳангарон туманидаги 19-сонли мактаб директори Жаҳонгир Убайдуллаев жамоасининг ташаббуси билан 0,9 гектар майдонга 1 минг 225 дон кўчат ўтказилган.

Шунингдек, Қибрай тумани 25-сонли мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Лобар Тошметова ўз жамоаси билан тадбиркор ва ҳомийлар жалб этган 0,63 гектар майдонга 1 минг 346 дон кўчат экиб, ташаббус кўрсатган. Аммо ўрта Чирчиқ туманидаги 43-сонли ҳамда Чиноз туманидаги 26-сонли мактабларда энг кам кўчат экилган бўлиб, кузгача уларнинг 50-60 фоизи қуриб қолган.

2024 йил баҳорги мавсумда мактабгача таълим ташкилотларида 88 минг, мактабларда 17 минг туп кўчат экилиши режалаштирилган. Кўчатлар Экология вазирлиги ҳамда бюджетдан маблағ ажратилиб, етказиб берилди.

Вилоятда 7 та олий, 60 та профессионал таълим муассасалари фаолият юритмоқда.

Олий таълим муассасаларидаги ходимлар сони 1 минг 850 нафарни, талабалар сони 54 минг нафарни, профессионал таълим муассасаларида ходимлар сони 2 минг 300 нафарни, ўқувчилар сони 28 минг нафарни ташкил этмоқда.

Бугунги кунда олий таълим муассаса-



5-10 қатордан экиб, намуна кўрсатди. Лекин Янгийўл туманидаги 56 та, Пискент туманидаги 32 та, Қиёрай туманидаги 44 та, Паркент, Оққўрғон, Урта Чирчиқ туманидаги 30 дан зиёд фермерлар бугунги кунгача кўчат экишга умуман киришмаганлигини тушуниб бўлмайд.

Хурматли фермерлар ва миришкорлар!
“Долзарб 40 кунлик”да Сиз ҳам далангиз четидеги бўш ерларга тут, ток ва бошқа дарахт кўчатлари экиб, лойиҳага ўз хиссангизни қўшинг.

Меҳнатқаш деҳқонлар!
Мухтарам Президентимизнинг алоҳида топшириқларига асосан, 2 йилдан бери пахта-ғалла майдонлари деҳқон хўжаликларини учун ажратилиб, Сизларга берилмоқда.

Сизларни ҳар қарич ердан унумли фойдаланган ҳолда дала четига ва кўча бошига тут, ток ва бошқа кўчатларни экишни ташкил этишга чақирамиз.

Мухтарам томорқачилар!
Вилоятимизда 456 мингдан зиёд томорқа ер эгалари фаолият юритади. Агар ҳар бир томорқачи ўз томорқасига, маҳалла гузарига ва кўча бошига 10 тупдан кўчат экса, вилоят бўйича бир ярим млн. туп кўчат экилади.

Қадрли тadbиркорлар, саноат корхоналари мутасаддилари!

Бугун мамлакатимиздаги фаол сармовий ва ишбилармонлик муҳити туфайли тadbиркорлик ва саноат соҳалари иқтисодий тиричилигининг энг муҳим локомативига айланди.

Яхши биласиз, бугун тилимизга “яшил иқтисодиёт”, “яшил белбоғ” деган тушунчалар бежиз кириб келгани йўқ.

Эндиликда ҳар қандай иқтисодиёт, ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти она табиат қонуниятлари ва манфаатларига асло зид бўлиши мумкин эмас.

Бугунги кунда вилоятда жами 173 дан зиёд йирик ишлаб чиқариш объектлари фаолият юритаётган бўлсада, баҳор-куз мавсумида “Яшил макон” дастури доирасида кўчат экиш ишлари қоникарсиз равишда ташкил этилган.

Айниқса цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз худудларида “яшил белбоғ” ташкил этмаган.

Шу билан биргаликда айрим йирик ишлаб чиқариш объектларида ҳам ишлар етарлича ташкил этилмаган. (Мисол учун: “Оҳангарон цемент”, “Тошкент конс цемент” ва бошқалар.)

Шунингдек, 60 та йирик ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг 19 таси боғ яратиши, 21 таси “яшил белбоғ” ташкил этиши, 20 таси ҳаво тозаловчи фильтрлар билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

Сизнинг атроф-муҳит мусавфологини сақлашдаги бурч ва масъулиятингиз, жавобгарлигингиз ҳар кимникидан ҳам улканроқдир. Саноат корхоналарингиз атрофини “яшил белбоғ” билан ўрашнинг айни мавриди ҳозир.

Азиз ватандошлар!
Динимиз бизни зууликка, яратувчанликка, боғу роғлар барпо этиб, инсонларга ризқ улашишга буюради.

Вилоятимизда 1 минг 117 та, (умумий ер майдони 3 минг 200 гектар) қабристонларимиз мавжуд.

Чирчиқ шаҳри “Ҳамза” маҳалласидаги 2-сон қабристонда (назоратчи Т.Расулов) “Яшил макон” дастури доирасида 220 донга манзарали дарахт кўчатлари экилган.

Қабристон худудидеги дарахтлар оқланиб, тозалик ишлари олиб борилган.

Худди шундай, **Янгийўл тумани** “Маданият” маҳалласидаги “Имом Султон” қабристонидеги ҳам (назоратчи Р.Тўлаганов) 200 донга кўчат экилиб, дарахтлар оқланган, озода, зиёратчилар учун шароитлар яратилган.

Бугунги кунда 126 та қабристон ўралмаган.

Муборак Ҳайит айёмига тайёргарлик кўриш муносабати билан Сизларни бирлашишга, ҳар бир қабристонларда ҳашар уюштириб, тозалаш ишларини олиб боришга чақирамиз. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экайлик!

Азиз ёшлар!



Сизлар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорларисиз! Халқимиз кўзлаётган юксак марраларга эришишда ақл-заковатингиз, ғайрат-шижоатингиз, она Ватанга бўлган садоқатингизга ишонамиз.

Она заминимизга меҳр беринг! Нурли келажак учун бугундан бошлаб ўз хонадонингиз, кўчангиз, маҳаллангизда ниҳол экинг, худудда “Ёшлар боғи”ни ташкил этишда ташаббус кўрсатинг!

Асло унутманг, сиз Ўзбекистон фарзандларисиз, сизнинг хиссангиз – бу ота-онангиз, маҳаллангиз ва бутун халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қилади.

Бугун Сизларга мурожаат билан чиқишимиздан мақсад:

1. Кўчат экиш мавсуми қисқа: фурсатдан, вақт-

дан унумли фойдаланайлик;

2. Бу йилги баҳор серёгин келди, ерда нам етарли, шу намликдан фойдаланиб, экинларни экиб олайлик;

3. Маҳаллалар ичидеги ариқлар ва сув йўллари ёпилиб кетган, энг аввало, ариқларни қазиб тозалайлик;

4. Маҳалла кўчаларига бир хил қилиб, мевали дарахтлар, хонадонларга кириш жойларида гуллар экайлик.

Қадрли юртдошлар!
Маҳаллаларимизни обод қилиш, сақлаш, дарахт экиш ва уни парваришлашни мажбурият эмас, қадрият деб қабул қилайлик!

Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!

ЯШИЛ КЕЛАЖАК: мавзуга доир фойдали маълумотлар



Қатор ораси 2 метр, кўчатлар ораси 2 метр қилиб экилган дарахтзорлар 3-4 дБ.гача, қатор ораси 30-20 метрли икки қаторли дарахтлар 6-8 дБ, қатор ораси 25-30 метрли 3-4 қаторли 8-10 дБ, кўп қаторли дарахтлар эса (кенглиги 100 м.) 12-15 дБ шовқинни ўзида ушлаб қолиш хусусиятига эга.

1 Га. майдондаги кенг баргли дарахтзорлар шамол тезлигини пасайтириб, ҳавода турли чанг заррачаларининг 60-70 фоизни ушлаб қолади.

Баландлиги
15-17 метр, кенглиги 20-30 метрли қалинликдаги дарахтзорлар атрофдаги кучли шамол тезлигини 3-5 баробаргача (500-1000 метр ораликқа қадар) пасайтиради.

1 Га. дарахтзор 1 кунда 220-280 кг. CO₂ газини ютади.
180-220 кг. кислород (O₂) ажратади.

Бир инсон 1 йилда нафас учун 9,5 тоннагача тоза кислород сарфлайди.

1 Га. дарахтзор 1 кунда 200 кишининг нафас олиши учун зарур бўлган кислородни ажратади.

1 Га. 60-70 ёшдаги игна баргли дарахтзор 1 кунда 14-15 тонна CO₂ газини ўзига ютади.
10-11 тонна кислород (O₂) ажратади.

Йирик корхона ва заводлар атрофида экилган яшил дарахтзорлар 1 км. майдонда 0,13 мг/м³ зарарли газ чиқиндисини пасайтиради.

Ёзги ёки оддий эман – (Quercus robur – Q. pedunculata Ehrh.) Дуб обыкновенный

Оддий эман бўйи 35-40 м., диаметри 1-1,5 м.га етади. Тўғри ўсади, шохлари қалин. Очиқ ерда ўсганда шохлари ён томонга ўсиб, кенглик ҳосил қилади. Унинг пирамидасимон, шарсимон шохлари ва мажнунтолга ўхшаш турлари мавжуд. Илдизи бақувват, ўқ илдизи бўлиб, ерга 10-12 м.гача кириб боради. Шамолга чидамли, 500-600 йил яшайди. Совуққа чидамли, ёруғсевар ва ҳар хил тупроқда ўса олади, нам тупроқ унинг ўсиши учун энг қулай ҳисобланади. Эман -40 даража совуқдан +45 даража иссиқгача чидамли. Ўрмон мелиорациясида ҳам кенг қўлланилади.

Шумбаргли заранг – (Acer negundo L.) Клён ясенелистный.

Шумбаргли заранг бўйи 40 м, диаметри 1-1,5 м.га етади. Танаси тик ўсади, шохлари қалин, пирамида – юмалоқ шаклда бўлади. Пўстлоғи кўнгир-қулранг бўлиб, ажралиб, тўкилиб туради. У 100-120 йилгача яшайди -45 даража совуқдан +43 даража иссиқгача чидамли. Ёғочи пишиқ, бир текис рангли бўлади. Ундан мебель, чолғу асбоблари ясашда, самолётсозликда фойдаланилади. Айрим турларидан шира олинади ва заранг қанди тайёрланади. Асосан хушманзара дарахт сифатида экилади. Инсон организми учун фойдали.

1 Га. дарахтзор бир суткада ҳавога 30 кг. “Фитонцид” моддасини ажратади

1 Га. дарахтзорлар 1 йилда ҳаводаги 40 тоннагача чанг ва 400 кг. SO₂ни ушлаб қолади.

Яшил дарахтзорлар ҳаво намлигини 15-20 фоизгача оширади.

100 метр радиусдаги яшил дарахтзорлар ҳаво ҳароратини 3,5-5,5 даражагача пасайтиради.

Оддий шумтол – (Fraxinus excelsior L.) Ясень обыкновенный
Бўйи 25 м., диаметри 1-1,5 м.гача етади, тик ўсади. Шохлари тухумсимон, танасининг пўстлоғи қулранг, катта ёшидагиларида бўйига ёрилади.

Новдаси яшил-қулранг, куртаклари йирик, сершоҳ, илдизлари бақувват, тўнкасидан яхши кўкаради, илдизидан бачкилайди. У ёруғсевар ўсимлик, 200-250 йилгача яшайди. Шумтол -25 даража совуқдан +45 даража иссиқгача чидамли. У ниҳоятда чиرويли бўлиб, сувга чидамли ва ҳар қандай иқлимга мослашади. Барглари кеч кузгача сақланиб туради.

Шарқ чинори – (Platanus orientalis) Платан восточный

Шарқ чиноридан соя берувчи дарахт сифатида юртимизда узоқ ўтмишдан бошлаб кенг фойдаланиб келинган. Баландлиги 40 м.гача бўлиб, диаметри 3-4 метргача етади. Республикаимизда 800-1000 ёшли чинорлар мавжуд. -25 даража совуқдан +45 даража иссиқгача чидамли. Ўрмон мелиорациясида ва кўкаламзорлаштиришда истиқболли ҳисобланади. 100 ёшдаги 1 туп чинор йилига 10 та кондиционер ажратган ҳавога тенг бўлган тоза ҳавони ажратади. Чинор чангни энг кўп ушлаб қолувчи дарахт ҳисобланади. 12-15 ёшдаги 1 та чинор дарахти 1 йилда ҳавога 100 кг. соф кислород ажратади.

Япон софораси – (Sophora japonica L.) Софора японская

Бўйи 20 метрдан ортади, шохлари ёйиқ, шарсимон, ниҳоятда гўзал. Пўстлоғи катта ёшида бўйига ёрилган бўлади ва қорамтир тусга киради. 100 йилгача яшайди, -20 даража совуқдан +45 даража иссиқгача чидамли. Ўздан нектар чиқариб туради. Дуккаги октябрь ойида етилади. Софора дамламаси ва сув қайнатмаси гипертония, атеросклероз, стенокардия, тромбофлебит, аллергия касалликларини даволашда фойдаланилади.



СЎЗ МАЙДОНИДАН – СПОРТ МАЙДОНИГА



Яхши ташаббус

Нурафшон шаҳрида вилоятимизда фаолият юритаётган туман, шаҳар ҳокимликлари Ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва ижтимоий тармоқ фаоллари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Унда иштирокчилар спортнинг шахмат, стол тенниси, волейбол ҳамда мини-футбол турлари бўйича ўзаро беллашди.

– Турнирни ўтказишдан асосий мақсад – аҳолини спортга жалб этишда ОАВ ходимларини намуна қилиб кўрсатиш, – дейди вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Беҳзод Қобулов. – Маъмур мусобақадан сўнг журналист ва блогерларнинг спортга бўлган қизиқиши юқори эканига яна бир бор амин бўлдим. Шунингдек, ўйинлар турли ҳудудларда фаолият юритаётган журналистлар, блогер ва вайнерлар ўртасидаги муносабатнинг янада мустақамланишига сабаб бўлди.

Беллашувлар давомида ижодкорлар ҳеч жабҳада профессионал спортчилардан кам эмасликларини исботлашди. Яқуний натижаларга кўра, мини-футбол мусобақасида зангиталикларга тенг келадиган рақиб топилмади. Улар ҳал қилувчи баҳсда Бекобод тумани жамоасини мағлуб этиб, шохсупа тўридан жой олди. Аёллар ўртасида ташкил этилган волейбол мусобақасида эса Ўрта Чирчиқ тумани жамоаси чемпионликини қўлга киритди. Шахматнинг эркаклар ўртасидаги беллашувларида Янги-

йўл тумани вакили, аёллар ўртасидаги баҳсларда эса Тошкент тумани вакили биринчи ўринни қўлга киритди. Стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақанинг эркаклар ўртасида Оҳангарон шаҳри, аёллар ўртасида эса Паркент тумани жамоаси аъзоси тенгсиз деб топилди. Голлиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Сухробжон САДИРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири

Қилмиш – қидирмиш

ТУЯБЎҒИЗДА... ТУЯ УЧМАЙДИ(МИ?)

Ўрта Чирчиқ билан Пискент тумани оралиғида Тошкент денгизи бор. Аммо гўзал манзараси билан йилнинг тўрт фаслида ҳам кишига баҳорий кайфият бағишлайдиган бу денгизнинг ҳужжатдаги номи "Туябўғиз сув омбори" дейилади.

Сезиб турибмиз, айти пайта сизни "Туябўғиз" ҳам, сув омборини нима учун одамлар "эркалатиб" "Тошкент денгизи" деб аташлари ҳам қизиқтираётгани йўқ. Хаёлингизни олган савол – сарлавҳанинг иккинчи ярим!

Келинг, изоҳни сал аввалроқдан бошлайлик. 2022 йилнинг октябрь ойида "Худудий электр тармоқлари" АЖ Тошкент вилояти филиали томонидан 35 кВ "Л-Туябўғиз" ҳаво тармоғини тортиш мақсадида "Agro new drip" МЧЖ (томчилатиб ва ёмғирлатиб сугориш шланглари, қувурлар ишлаб чиқариш корхонаси) билан 2 миллиард 39 миллион сўмлик шартнома имзоланган. Корхона томонидан бажарилган ишлар (темир бетон устун, муфта, траверс ва бошқа ускуналарни ўрнатиш) юзасидан топширилган ҳисобот ҳужжатларида 7 та ўрамда электр симлари ҳам ўрнатилганлиги қайд этилган. Бироқ амалда эски симлар жойида қолдирилган, янги 7 та ўрам эса... ҳеч ким сезмайдиган махсус "ўра"га ташланган. Бундан ташқари, ҳужжатларда "ҳаво тармоғига ўрнатилган" деб кўрсатилган 502,6 миллион сўмлик кабелларнинг "пешонасига" ҳам шундай "битик" ёзилган.

"Худудий электр тармоқлари" АЖ вилоят филиали директорининг "уддабурон"лигини қарангки, 2022 йилнинг 24 октябрь куни у давлат ва шартномавий хизматларни кўрсатиш муҳандиси А. А.га тегишли электрон имзодан фойдаланиб, 502,6 миллион сўмлик товар-моддий бойликларни "Agro new drip" МЧЖга чиқариб юборган. Нафс дегани "чегара билмас" бир бало экан. Тегишлилар мобайнида шу нарса маълум бўлдики, "ток"чилар шунча ўмаришлар билан қаноатланмасдан, Нурафшон шаҳар ва Ўрта Чирчиқ тумани электр тармоқлари корхона омборидаги ортиқча деб топилган 564 метр кабелни ҳам ҳисоботга киритишмапти.

Нурафшон шаҳар департаменти томонидан айти кунларда улارга нисбатан ЖК-нинг 167 ва 209-моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ҳозир "электросет"чилар маҳаллада кўринмай қолишган. Шундан бери Туябўғизда "Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр" деган мақол "тренд"га чиққан. Биров эшитмасини, аммо уша куни шунақани қаттиқ шамол бўлибдики! Уйда бир кунда беш-олти марта чироқ ўчадиган кимсаларнинг айтишига қараганда "ток" мутасаддилари "Ўрам ўмариш" операциясидан хабари борларнинг барини "оғзини мойлагану", аммо гидрометеорология марказидегилар билан келиша олмаган бўлсалар керак...

Тўхтамурад ҲАСАНБОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири



TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA

Muassis:

TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentkaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Behzod QOBULOV

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona: (55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@mail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 01:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-435.

5 070 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvardan

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxonaning manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Эълон

Ўзбекистон Республикаси "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига (2023 йил 28 январдаги ЎРҚ-891-сон) асосан Солиқ кодексининг 243-моддаси, биринчи қисмининг 11, 12 ва 13-бандлари ҳамда 264-моддасининг учинчи қисмида белгиланган имтиёзлар 2024 йил 1 апрелдан бекор қилинган. Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 264-моддасига мувофиқ иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларни реализация қилишга доир айланмага ноль даражали ставка бўйича солиқ солиниши белгиланган. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб истеъмолчиларга етказиб берилган иссиқлик энергиясининг нархлари ҚҚС суммаси қўлланган ҳолатда ҳисоб-китоблар амалга оширилади. (Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларидан ташқари)

Аҳолига 1 Гкал учун – 81 312,00 сўм.

- 1) Иссиқ сув таъминоти, шу жумладан: а) Иссиқ сув таъминоти 1 киши учун ойига – 17 466,4 сўм; б) Иссиқ сув ўлчагичлари бўйича 1м.куб учун – 4 472,16 сўм;

- 2) Марказий иситиш 1кв.м яшаш майдони учун – 1 553,44 сўм;
- 3) Аҳоли учун марказий иситиш 1 (бир) м2 яшаш майдони учун иситиш мавсумига ҳар бир кунга 123,41 сўм.



КЎКЛАМОЙМ, "КЎК"ИНГДАН БЕР...

Янгийўл туманининг Ниёзбош ҳудудида 9 та маҳалла бор, уларида 40 мингга яқин аҳоли томорқаларида турли кўкат ва сабзавотлар етиштирилади. Бу маҳсулотлар нафақат Янгийўл, балки пойтахт бозорларини ҳам тўлдирмоқда. Эътиборлиси, худуд аҳолисининг аксарияти идора ва ташкилотларда ишлашади. Томорқада эса ишдан бўш вақтларида меҳнат қилишади. "Фаровон" маҳалласига бурилдик. Маҳалла раиси Жаҳонгир Абдуқаюмовга келишимиз сабабини айтгандик, оқсоқол: "Бизда томорқа маданияти, ундан самарали фойдаланиш яхши ривожланган, истаган хонадонингизга кириб кўраверинг", деди. Биринчи дуч келган дарвозадан ичкарига кирдик. Хонадон соҳиби Олим ота Салимовнинг томорқасида бир қарич ҳам бўш жой қолмапти.

– Бобо-оталаримиз бизга томорқа рўзгорга, оилага барака олиб келади, деб ўқитишган, – дейди Олим ота. – Томорқамиздаги иккита кичик иссиқхонадан яхшигина даромад оламиз. Аммо, даромад ўз-ўзидан кел-

майди. Елкани терлатиб меҳнат қилсанг, ер ҳам ўз марҳаматини аямайди. Биз асосан гулчилик билан шуғулланамиз, оилавий турли гулларни парваришлаймиз. Гўзаллики парваришлаймиз. Дарҳақиқат, иссиқхонадаги гуллар ифорию, ранг-баранглигидан кишининг баҳри дили очилади. Бундай гулзор турганда атирининг ҳам кераги йўқ. Гулзордан чиқиб, Умида Саидкаримованинг хонадонига кирдик. Бизни оила бекаси очик чехра билан кутиб олди. Мақсадимизни билгач, томорқаси томон бошлади. Ҳовли-рўйни кўзата туриб, бу хонадонда ҳақиқий деҳқонлар яшаркан, деган фикрга келдик. Пастдек иссиқхонада парваришланаётган турли кўкатлар, салат барги, руколадан тортиб исмапоқча одамнинг ҳавасини келтиради. Комил ота Ўктамов хонадонидан иссиқхонада эса бодринг,

помидор ва бўлғор қалампирни ҳосилга кира бошлабди. – Рўзгорга ишлатиладиган маҳсулотларнинг аксарияти ўзимизнинг томорқадан чиқади, бозорга боришга ҳожат йўқ, – дейди Комил ота. – Бўш вақтимиз шу томорқада ўтади. Билганга, томорқа саломатлигининг беҳимнат ҳимоячиси. Унда ҳар куни бир соат ишлаган киши бутун танасининг чигилини ёзиб, қон айланишини яхшилайди. Томорқа нафақат рўзгоримиз ва дастурхонимиз тўқинлиги, балки жисмоний саломатлигининг гарови ҳамдир. Ҳақиқатан, янгийўллик томорқачилар ана шундай миришқор. Улар билан хайрлашар эканмиз, тез кунда яна келишни ният қилдик. Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" газетаси Жалолоддин ЭСОНОВ олган суратлар

"ВАРРАГИНГ БАЛАНДА УЧСИН, УКАЖОН!"

Шу каби хаёллар билан Паркентга етиб келдик. Атрофда ҳаёт кайнайди. Ҳаммининг чехрасида баҳорий кайфият. Айниқса, сомсапазларнинг бозори авжида. Шаҳардан йўловчиларнинг изи узилмайди. Сотувчилар билан суҳбат қилиб, савдо яхши бўлаётгани, ҳатто сайёҳлар ҳам кўпчилигини эшитдик. Тўғри-да, ҳар бир худуднинг маҳсулоти бор. Масалан, Самарқанд нони, Қаршию Сурхоннинг тандир гўшти... Паркентликларнинг сомсаси ҳам ташриф қозоғига айланган. "Сири нимада, сомсанинг бундай хуштам бўлишининг?", дея саволга тўтганимизда "балки, барча сири тоза ҳовимиздадир", деган жавобни олдик. Саёҳатимиз давомида йўл четидан столга қўлдан ясалган варрақларни илтиб кўйган болакайга кўзимиз тушди. – Ҳорма, укажон. – Саломат бўлинг. – Бу варрақларни сотяпанми? – Ҳа, сотяпан. – Варрақ ясашни қачон ўргандинг? – Икки йил бўлди. Шундан бери баҳорда варрақ ясаб сотаман. – Исминг нима? – Исмин Бахтиёр. Эрталаб ўқийман, (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

укам биринчи синф, у пешиндан кейин ўқийди. Мен дарсдан келгунча, у савдо қилиб туради, кейин ўрин алмашамиз. Мана бу тоғорадаги сомса. Буларнинг сотиамиз. Онам ёлган сомсалар роса мазали. Олинг ака, тортинманг. – Раҳмат, бир кунда нечта варрақ сотасан? – Кечқурун 10-15 та варрақ ясайман. Шуларни сотамиз. Онамга ҳарна ёрдам-да. – Дарслар нима бўляпти? – Ҳамма фанлардан баҳоларим беш. Китоб ўқишни яхши кўраман. Ҳозир "Беш болали йигитча"ни ўқияман. Мана қаранг, мактаб кутубхонасидан олдим. Кутубхоначи опа мени яхши кўрадилар. – Даданг қаерда ишлайди? – Дадам... ҳозир ишламайди. 4-5 йил олдин оғир касалликка чалинганлар. Даволанишлари учун кўп пул керак эмиш. Ҳали катта бой бўлиб кетсам, отамни энг яхши дўхтирларга даволатаман. Ота-онамга дунёни кўрсатаман. Ҳозир онамнинг



телефонларидан инглиз тилини ўрганаётган. "Ибрат фарзандлари" деган лойиҳа бор экан. Анча ўрганиб қолдим, ҳадемай яқунлайман. Кейин бошқа тилларни ҳам ўрганмоқчиман.

Йўл-йўлакай

Орзуларим кўп, ўзим пул йиғиб, компьютер олмоқчиман. Кейин дастурлашни ўрганаман. Келажакда катта завод қурмоқчиман. Кишлоғимизга кутубхона қуриб, мактабимизни таъмирлаб бераман. Айтганча, уйда товуқ ҳам боқаман. Тухумини сотяпанман. Яқинда пул йиғиб сизир олдик. Укаларимнинг оғзи оққа тегди. Шунга жуда хурсандман. Ҳали укаларим ҳам зўр бўп кетишади. Уларни ҳам ўқитаман. Катта укамни спортга бердик, у чемпион бўлмоқчи. Кенжаси боғчага боради. Баҳорни яхши кўраман, сабаби даромадим яхши бўлади. – Ўзи, варрагинг баланда чиқадими? – Мен ясаган варрақ зўр учеди, мана қаранглар, – дея Бахтиёр кўлига варрақ олиб югурди. Ростдан унинг варраги борган сари баланда уча бошлади. Болакайнинг завқи ошиб югурди. Унинг қувончи бизга ҳам ўтди. Кўнглимда шундай ўйлар мавж урди: "Бахт қушинг варрақларинг каби юксакларда парвоз қилсин, болажон! Варрагинг орзуларинг томон етаклашин, укажон!" Зикрилла МАМАТОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири Жалолоддин ЭСОНОВ олган сурат